

PhD Қ.Н.Тұхсанов
Тошкент давлат иқтисодиёт университеті

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА СОЛИҚ ТҮЛӨВЧИЛАРНИНГ ХУЛҚ АТВОР МОДЕЛИНИ ҚҰЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий солиқ тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг айрим назарий масалалари ҳамда ягона солиқ назарияси ҳақидаги илмий қарашлар ёритиб берилган. Шу билан биргаликда тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини құллашнинг афзаллiliklari ва камчиликлари көлтириб ўтилған. Олиб борилған таҳлиллар натижасыда солиқ түловчиларни солиқ тизимига оид хулқ атвори модели асосида солиқ муносабатларини такомиллаштириш бўйича хulosалар олинган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес субъектлари, солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби, ягона солиқ назарияси, солиқларни режалаштириш, инсофли солиқ түловчи, солиқ имтиёzlари, солиқ преференциялари.

THE IMPORTANCE OF USING THE TAXPAYER BEHAVIOR MODEL IN TAXATION OF BUSINESS ACTIVITIES

Abstract: The article discusses some theoretical issues of taxation of small business and private entrepreneurship in the national tax system, as well as scientific views on a single tax theory. At the same time, the advantages and disadvantages of applying the simplified taxation procedure to business entities are mentioned. As a result of the analysis, conclusions were drawn on the improvement of tax relations based on the model of behavior of taxpayers in the tax system.

Key words: small business entities, simplified taxation procedure, single tax theory, tax planning, fair taxpayer, tax benefits, tax preferences

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий бўғинида солиқ соҳасидаги ислоҳотлар турибди. Мамлакатимизда “Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқиши”[1]га эътибор қаратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам анча самарали бўлди. Республикада мустақилликнинг дастлабки қунларидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, босқичма-босқич миллий иқтисодиётга жорий этиб келинмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида инқироздан кейинги даврдаги ривожланиш фазасига чиқиш билан боғлиқ ислоҳотларда ялпи талабни самарали рағбатлантиришнинг муҳим инструментларидан бири сифатида солиқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим драйвери сифатидаги ролига таянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлашнинг фискал ва монетар инструментлари кенг ноанъанавий усулларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, постиндустриал цивилизация шароитида рақамли бизнес соҳасидаги кичик бизнес субъектларини солиқقا тортишда ягона ахборот маконига асосланган виртуал механизми шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотлар кузатилмоқда. Шунингдек, виртуал ахборот макони шароитида “Ягона солиқ” назарияси тараққиётидаги концептуал йўналиш истеъмолдан олинадиган ягона солиқ^[2] механизмнинг дастурий маҳсулларини шакллантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳамияти ҳақида гапиришдан олдин “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчаларига тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит ва Ж.Б.Сэй асарларида амалга оширила бошланди. “Бизнес” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир [3].

Бизнесмен (тадбиркор) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, деб таъкидлайди [4]. Тадбиркорни ўз ишини ўзи режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадини ўзи мустақил тасарруф этади. Бизнес - бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи сўнгра эса пул ишлаш демақдир. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демақдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат қўрсатиш корхонаси, аудиторлик ташкилоти, адвокатлик идораси, тижорат банклари ва бошқалар). Демак, биз йўқ нарсадан пул ишлаб топиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат қўрсатишни ташкил этиш демақдир.

Кузатишларнинг кўрсатишича, хўжалик субъектлари фаолиятини солиқقا тортишда тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёти етарлича ҳисобга олинмаган. Яъни истеъмолчи хулқ атвори ўзгариши натижасида тадбиркор таклифлари таъсири етарлича инобатга олинмаган. Маълумки, тадбиркорлик ўзига хос бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, таҳлил учун муҳими мулкдорлар томонидан бошқариладиган тадбиркорлик субъектларини солиқка тортишнинг оқибатларидир. Булар қаторига тадбиркорлар ташаббуслари учун мукаммал

ташқи бозорнинг мавжуд эмаслиги, ташқи капиталдан фойдаланишнинг чегараланганлиги ва тадбиркорлик инновацялари, ташаббуслари ва капитла ўртасида ўзаро бир бирини тўлдиришнинг мавжуд эмаслигини киритиш мумкин [5].

Хорижлик иқтисодчи олим, профессор Д.Г.Черникнинг фикрича, “Солиқлар давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради” [6].

Келтирилган таъриф тўғри ва ҳамма учун тушунарли, албатта. Аммо бизнингча, бу таъриф солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тўлиқ ўзида акс эттирмаиди. Яна бир томони, солиқлар нима мақсадда ундириб олинади, деган саволга ҳам тўлиқ жавоб бера олмайди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг аҳамияти ва солиқ механизмининг амалдаги ҳолати мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гурӯхлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуслардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатда мустақил солиқ тизимини шакллантириш борасидаги тадбирлар бошлангандан шу қунга қадар, босқичма-босқич кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, бугунги қунга келиб, ушбу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, нисбатан барқарор бўлган солиқ тизими шакллантирилди.

Аммо мазкур жараён муайян вазифаларни амалга ошириш орқали амалга оширилаётганини эътироф этиш лозим. Чунки республикамиз иқтисодиётида муқаддам бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи солиқ тизими мавжуд бўлмаган.

Шундан келиб чиқиб, малакали кадрлар билан таъминланмаганлик, меъёрий хужжатлардаги ноаниқликлар каби муаммолар билан бир қаторда, солиқ тўловчиларда солиқ маданиятининг етарли даражада эмаслигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Қулайликлар шундан иборатки, бозор иқтисодиёти амал қилаётган ривожланган мамлакатлар солиқ тизимига оид тажрибаларидан республика солиқ тизимини шакллантиришда фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бундан муайян даражада фойдаланилмоқда. Лекин бир қатор омилларни, жумладан ҳар бир мамлакатни ўзига хос миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир мамлакатда барқарор ҳисобланган солиқ тизими иккинчи бир мамлакат иқтисодиёти учун акс таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун мамлакат солиқ тизими барқарорлигини таъминлашда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш билан бирга, солиқлар ва солиққа тортиш борасидаги классик ҳамда замонавий солиқ назарияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ муносабатларида солиққа тортишнинг классик ва замонавий назарияларини шартли равишда умумий солиқ назариялари ҳамда хусусий солиқ назарияларига ажратиш мумкин. Умумий солиқ назарияларида асосий масала солиқларнинг аҳамияти, вазифалари, хусусиятлари каби солиқ тизимининг умумий жиҳатлари тадқиқ этилса, (классик солиқ назарияси, кейнс назарияси, монетаристик назария, таклиф иқтисодиёти назарияси ва бошқалар), хусусий солиқ назарияларида эса солиқларнинг таркиби, сони ва ставкаси каби солиқ элементларининг таркибий хусусиятлари ҳақидаги фикрлар мужассамлашган (ягона солиқ назарияси, тўғри ва эгри солиқлар нисбати назарияси, пропорционал ва прогрессив солиққа тортиш назарияси, солиқларни юклаш назарияси ва бошқалар).

Маълумки, солиқлар турли қиймат обьектларига нисбатан ўрнатилгани билан асосан бир манбадан яъни даромаддан тўланади. Шундай экан давлат бюджети даромадларини шакллантиришда кўплаб солиқлар ўрнига шундай бир ягона солиқ жорий этиш ҳисобига давлат бюджетини зарур маблағлар билан таъминлаш лозимлиги борасидаги ғоя асосида ягона солиқ назарияси вужудга келади, ривожланди ва бугунги кунга келиб кўплаб мамлакатлар солиқ амалиётида қўлланилиб келинмоқда.

Ягона солиқни жорий этиш ғояси ўрта асрлардан эътиборан оммабоп ҳисобланган. Айрим партиялар ягона солиқни партиянинг асосий шиори қилиб олган. Ягона солиқ назарияси тарафдорлари ягона солиқ ўрнатилгандан сўнг камбағаллик барҳам топиши, иш ҳақи ошиши, ҳар қандай саноат тармоғида ишлаб чиқариш ўсиши юз беришини таъкидлаб солиққа тортишнинг обьекти сифатида фойдаланиш учун ер, харажатлар, кўчмас мулк, даромадлар, капитал каби предметларни таклиф қилганлар.

Ягона солиқ – бу битта, маҳсус солиқ бўлиб, бунда аниқ бир обьекти ёки базаси солиққа тортилади. Ягона солиқнинг энг қадимги турларидан бири – бу ер рентаси ҳисобланади. Физиократлар мактабининг асосчиларидан Ф.Кенэ таълимотида соф даромад фақатгина ердан келиши эътироф этилади, бунда ер рентаси солиққа тортишнинг ягона обьекти бўлиши лозимлиги қайд этилган. У ягона ва тўғри солиқ обьекти кадастр асосида аниқланишини таклиф этиб, ердан келадиган даромаднинг 2/7 қисми миқдорида бўлишини асослаб, бошқа барча солиқларни ортиқча деб ҳисблайди[6]. Шундан келиб чиқиб барча солиқларнинг ўрнига ер эгаларидан ундириладиган ягона солиқ жорий этилишини таклиф этади.

Ягона солиқ назарияси ҳақидаги ғояларнинг негизида асосан солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили ётиши эътироф этилад [7]. Адолатлилик тамойилида солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкининг текис тақсимланиши, имтиёзларнинг асослилиги ва шунингдек, турли капитал сифимига асосланган тадбиркорлик субъектлари учун бир хил трансакцион харажатлар учун шартшароит яратилишда намоён бўлади. Ушбу фикр кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқнинг жорий қилиниши, солиқ механизмини соддаллаштириш имкониятига таянган ҳолда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайлик сифатидаги вазифасининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Ягона солиқ ҳақидаги назарияда унинг манбани янгидан яратилган қийматни қиймат эквивалентида тақсимловчи даромаддан олинадиган солиқларга таянади. Демак, ягона солиқ солиш тизими аввало солиқ механизмини соддалаштириш мақсадидаги даромаддан олинадиган солиқни жорий қилишга асосланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ягона солиқ назарияси ҳақидаги илмий қарашлар¹

№	Назариялар номлари	Мазмуни	Назарияларни илгари сурган иқтисодчилар
1.	Айланмадан олинадиган ягона солиқ назарияси	Ягона акциз солиги ҳақидаги илк қарашлар	Мерканталистлар А. Монкретьен, Т. Ман, Ж. Колбер
2.	Рента тавсифидаги ягона солиқ назарияси	Ягона ер солиги ҳақидаги илк қарашлар	Физиократ Ф. Кенэ, Г. Жорж
3.	Капиталга нисбатан ягона солиқ назарияси	Мулкий тавсифдаги реал ягона солиқ ҳақидаги қарашлар (Аккорд солиқлари)	Э. Жирарден
4.	Даромадга ягона солиқ назарияси	Даромаддан олинадиган ягона солиқ ҳақидаги қарашлар	Э. Селигман
5.	Харажатларга нисбатан ягона солиқ назариси	Истемолдан олинадиган ягона солиқ назарияси	И. Фишер, Н. Калдор

Лекин, тарихий ретроспективада, ягона солиқ назарияси асосан ягона акциз солиги назарияси деб аталувчи оборотдан олинадиган солиқ механизмига асосланади. Физиократлар эса ердан соф даромад ҳақидаги қарашларига асосланиб, ер рентаси ягона солиқнинг ягона объектив бўлиши кераклигини илгари сурган [8]. Ушбу ягона солиқ кадастр ва ернинг ундумдорлиги асосида аниқланиши белгиланган. Франсуа Кенэ ягона солиқнинг даражаси 2/7 нисбатгача бўлишини эътироф этган.

Ягона солиқ назариялари солиқларнинг моҳияти, табиати, уларнинг жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, роли ва аҳамияти тўғрисида илмий билишнинг маҳсус тизимини ўзида мужассамлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, солиқ назариялари давлатнинг солиқ тизимини қуриш учун турли хил моделлар бўлиб, улар солиқларни у ёки бу мақсадлар учун тан олинишига боғлик.

Колумбия университети профессори Э. Селигман ягона солиқ тизими ҳақидаги илмий қарашларида яқин истиқболда даромаддан олинадиган ягона солиқ механизми оптималь солиқقا тортиш тизимини ўзида мужассамлаштириши билан барча солиқларни ўрнига жорий этилишини эътироф этиб ўтади [9].

¹ Муаллиф ишланмаси

Демак, объектив иқтисодий категория сифатида ягона солиқ назарияси хусусий солиқ назарияси тараққиёти парадигмасидаги илмий қарашлар негизида шаклланиб борди.

Ягона солиқ назариясининг эволюцион тарихий тараққиёти тасдиқлайдики, ушбу солиқ механизми турли иқтисодий мактаб намоёндаларининг фундаментал қарашларининг негизини ташкил қилган. Замонавий шароитларда ушбу қарашларга асосланган ҳолда даромаддан, капиталдан олинадиган ягона солиқ механизми ва шунингдек, рента тавсифидаги ягона солиқ механизми ривожланиб борган.

XXI асрнинг дастлабки чорагида “Молия” фани тараққиётида “Хулқ атвор молияси”нинг ривожланиш тенденцияси рақамли иқтисодиётга асосланган маконга адекват молия тизимини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитларидан бири ҳисобланади[10].

Бундай шароитда молия тизимининг барча бўғинлари қатори солиқ тизимидағи ислоҳотларда солиқ маъмурчилиги элементларини оптималлаштириш ҳисобигагина эмас, балки, “Солиқ тўловчиларнинг хулқ атвори”га асосланган солиқ механизми шакллантириш замонавий иқтисодий маконга хос солиқ тизимини шакллантириш, солиқ интизомини мустаҳкамлашнининг конструктив асосини ташкил қилиши кераклиги ишда асосланган. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан қочиши эмас, балки, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак”[1] -деган давъатлари фикримизнинг мантиқий асосини ташкил қиласди.

Мазкур ҳолатда солиқ тўловларини минималлаштириш сифатида мавжуд иқтисодий дастаклардан (имтиёз ва преферециялар) қонуний равишда фойдаланиш эвазига солиқ тўловларини оптималлаштириш назарда тутилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларда стандарт моделга кўра соликларнинг ишчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш ўртасида танловни амалга оширишга таъсири баҳоланиб, солиқ ўзгаришларига (солиқ ставкалари оширилиши ёки пасайтирилиши ё солиқ солинадиган базанинг кенгайиши) мувофиқ аҳолининг ишчи кучини таклифи ўзгариши ва солиқ жавобгарлигига зўр бериши кенг ўрганилган. Холоса ўрнида, ушбу модел қай даражада ва шароитларда соликлардан қочиши имконияти солиқка тортишни тўлдиришни юмшатишини баҳоловчи, кўрсатиб берувчи концептуал таркибий тузилма ҳисобланади [2]

Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчиларнинг солиқ тизимиға оид хулқ атвор модели 1-расмга келтириб ўтилган.



1-расм. Солиқ тўловчиларни солиқ тизимиға оид ҳулқ атвори моделининг ташкилий чизмаси²


Келтирилган 1-расмга мувофиқ, ҳулқ атор иккита йўналишда таснифланиб, солиқ тўловларига кўра солиқ тўловчиларнинг ҳулқ атори тўртта элементга асосланган деградацияси келтирилган. 2,3,4 деградацияга тушадиган солиқ тўловчилар категорияси Конун нормаларига мувофиқ ҳатти-ҳаракатларига уларни инсофли солиқ тўловчилар категориясига кирувчилар сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, амалдаги солиқ режимига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш омилларини қайта тизимлаштириш орқали солиқларни режалаштириш амалдаги дастак ва усуллар воситасида ташкил қилинади. Демак, амалдаги солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилиш натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ интизомига риоя қилишини таъминловчи солиқ механизми дастаклари ва усулларини шакллантириш солиқ тўловчилар учун солиқдан қочиш эмас, балки уларни тўлашдан манфаатдорлигини таъминлашнинг иқтисодий асосини ташкил қиласди.

Замонавий шароитда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби амал қиласди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу солиқка тортиш тартиби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун жорий этилган бўлиб, унинг мақсади солиқ

² Муаллиф ишланмаси

маъмурчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлар учун солиқни ҳисоблаш тизимини соддалаштиришни назарда тутади.



2-расм. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби: афзаллик ва камчiliklari ҳамда рисклар³

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига оид илмий қарашларни тадқиқ қилиш ва илмий абстракциялаш натижасида унинг афзаллик ва камчiliklар, шунингдек, макроіктисодий барқарорликни таъминлашдаги мавжуд рисклар 2-расмда акс эттирилган.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби макроіктисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий фискалъ омилларидан бири сифатида бир қатор рискларни ҳам көлтириб чиқаради. Ушбу рисклар юқоридаги расмда көлтириб үтилган. Масалан, Россиялик іктисодчи Алексей Кудрин Россиядаги мавжуд маҳсус ягона солиқ режими мамлакатдан капитални четга чиқиб кетишини рағбатлантирувчи ички фискалъ омиллардан бири эканлигини таъкидлайды[11].

Шунингдек, ягона солиқ назарияси ҳақидағи илк қарашларда ушбу солиқ механизмининг мақсади камбағаллікка бархам бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг изчил тараққиётини таъминлаш орқали мамлакатдаги ишсизлик билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни бартараф қилишга фискалъ рағбат[12] яратиш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар негизида республикамизда солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўлловчи тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари бўйича янги иш ўринларини яратиш контекстида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

³ Муаллиф ишланмаси

Хулоса ва таклифлар

Юқорида санаб ўтилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ солишининг соддалаштирилган тартибининг рағбатлантирувчи аҳамияти мавжуд. Шунингдек, мамлакат солиқ тизимидағи ҳар бир соҳа учун қўлланилаётган солиқлар ўзига хос рағбатлантирувчи аҳамиятга эга.

Жамият тараққиётининг ҳозирги даврига келиб, инсоният олдида чекланган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати пайдо бўлди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига маъмурий йўл билан эмас, балки иқтисодий воситалар билан талқин этиш мумкин.

Мамлакат солиқ тизимида ресурслардан самарали фойдаланишини рағбатлантирувчи солиқ механизми мавжуд бўлса-да, бундай механизм солиқ солишининг соддалаштирилган тартибиға ўтган солиқ тўловчиларга жорий этилмайди, яъни улар барча умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йифимлар ўрнига юқорида қайд этилган ягона солиқ турларидан бирини тўлайдилар, (бу қонун билан белгиланган). Бундай шароитда ихчамлаштирилган солиқ тизимиға ўтган солиқ тўловчиларнинг чекланган табиий ресурслардан самарали фойдаланишини таъминловчи иқтисодий механизми ишламайди.

Мамлакат солиқ тизимини такомиллаштиришда солиққа тортишнинг классик ва замонавий назарияларини чуқур ўрганган ҳолда уларни солиқ тизими хусусиятларидан келиб чиқиб, амалиётга жорий қилиш ва бунда албатта чекланган ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлашга қаратилган механизм акс этиши керак. Шу билан бир қаторда солиқ солишининг халқаро тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда солиқ тўловчиларни солиқ тизимиға оид ҳулк атворига қараб тавсифлашдан самарали фойдаланиш солиқ тўловчи билан индивидуал тартибда ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 55 б.
2. Slemrod, J. A General Model of the Behavioral Response to Taxation. *International Tax and Public Finance* 8, 119–128 (2001). <https://doi.org/10.1023/A:1011204301325>
3. <https://taxfoundation.org/corporate-tax-rates-around-world-2018>
4. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик.-Т.: «Меҳнат», 1999 й.
5. Henrekson, M., Sanandaji, T. Entrepreneurship and the theory of taxation. *Small Bus Econ* 37, 167–185 (2011). <https://doi.org/10.1007/s11187-009-9242-2>

6. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. М.: 1962 г. – 408 с.
7. Черник Д. Налоги в рыночной экономике. // Финансы, – Москва, 1992. - № 3. – С. 19.
8. Кенэ Ф. Избранные экономические произведения. — М.: Соцэкиз, 1960.
9. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 256 с. – ISBN 5-279-02390-6. – С.144.
10. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 256 с. – ISBN 5-279-02390-6. – С.11.
11. Блауг М. Селигмен, Эдвин Роберт Андерсон // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. – 352 с. – С. 263-265.
12. Ричард Талер. Новая поведенческая экономика. Почему люди нарушают правила традиционной экономики и как на этом заработать = Misbehaving: The Making of Behavioral Economics. – Эксмо, 2017. – 368 с.
13. Кудрин А. Три задачи на два года // «Коммерсантъ» № 47 от 21.03.2018, стр. 1.
14. Ефимова Л.А. Экономика общественного сектора. Нижний Новгород: НГУ, 2009.-115 с.